ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 7 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-257-263

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАҲСИЛ ОЛАЁТГАН БЎЛАЖАК ЧАҚИРУВГА ҚАДАР БОШЛАНҒИЧ ТАЙЁРГАРЛИК ФАНИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Шерали Махмутович Жўраев
Чирчиқ давлат педогогика институти ўқитувчиси
sheralijorayev611@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Олий таълим муассасаларининг Чақирққача ҳарбий таълим факультетида таҳсил олаётган бўлажак Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг олдида турган вазифалар ва муоммоларни, уларни ҳал этиш механизми ҳақида маълумотлар берилган.

Таянч сўзлар: Компетенсия, ватанпарвар, офицер, ҳарбий, қурол, Ватанга содиқлик, ҳарбий хизмат.

КИРИШ

Компетенсия (лотинча Сомпетере - мос келиш, мос келиш) - бу мутахассиснинг (ходимнинг) маълум бир касбий вазифалар синфини ҳал қилишдаги шахсий қобилиятидир. Мутахассиснинг касбий компетентлиги – унинг касбий тайёргарлиги ва касбий ютукликлигини баҳоловчи меъёр.

Компетенция - Маълум бир фаолиятни мувафаққиятли омилкорлик, моҳирлик билан эплай олишлик, қила олишлик қобилиятлари бўлиб, у эгалланган назарий ва амалий билимлар, малакалар ва кўникмалар асосида намоён бўлади.

Шундай қилиб компетенция шахснинг юксак сифатий хислати бўлиб, унинг шаклланиши таълимнинг ҳал қилувчи оқибат, натижаси ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ҳозирги ахборот технологиялари жадал ривожланиб бораётган даврда бўлажак Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчиларининг касбий компетентлилигини ривожлантириш масаласи ўзига хос долзарблик касб этмоқда. Чунки бугунги кунда педагогикадаги асосий масалалардан бири бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигининг улардан талаб

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-257-263

этиладиган амалий тайёргарлик даражасига мувофиқлигини таъминлаш асосида касбий тайёргарлик мазмунини фан-техника ва ишлаб чиқариш тараққиётининг тезкор ўзгаришларига мослаштириш, шунингдек касбий-амалий вазифаларни тўлақонли бажариш учун зарурий кўникма ва малакаларни шакллантириш бугунги кунда бўлажак офицер ўқитувчиларнинг касбий компетентлилигини ривожлантириш масаласига ҳам илмий ҳам педагогик нуқтаи назардан янгича ёндашув заруратини шакллантирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўз фарзандларини юксак Ватанпарварлик руҳида камол топдира олмаган Давлат, қандай қудратли қуролга эъга бўлмасин мудофаа қобилятини мустаҳкамлай олмайди” деган сўзларидан келиб чиқиб, бугунги XXI асрнинг ёшларини, Янги Ўзбекистон фарзандларини юксак ватанпарварлик руҳида, ўз юртига садоқатли қилиб тарбиялаш бугунги кунниг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Бундай шарафли вазифани бажаришда ўқитувчиларнинг роли ниҳоятда каттадир. Жумладан Чақирувга қадар бошланҳич тайёргарлик фани ўқитувчисининг ўқувчилар қалбида Ватанга содиқлик, юрт тарихига ва халқимизнинг эзгу анъаналарига ҳурмат билан қараш туйғуларини шакллантириш, уларни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига сўзсиз амал қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек улар ўртасида юрт анъаналарини тарғиб қилиш, ҳарбий хизматга ҳурмат билан қараш, юксак маънавий-ахлоқий сифатлар, Ватанга қасамёд ва умумқўшин низомларида баён этилган талаблар ижросига масъулият билан ёндашиш фазилатларини, интизомлилик, жасурлик, ташаббускорлик ва Ватан ҳимоясига шайлик сифатларини тарбиялаш каби муҳим вазифа турибди.

Демак чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчиси олдида жуда катта маъсулиятли вазифа турган экан, юқори малакали, касбий маҳорат ва жанговар қобилиятга эга бўлган, ўз индивидуал - шахсий, ижтимоий хусусиятлари билан ҳарбий касб талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган профессионал кадрлар билан таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратмоғимиз лозим. Шунинг учун, бўлажак офицер ўқитувчиларнинг касбий компетентлилигини замон талабларига мос равишда такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари ўқув жараёнига компетенциявий ёндашувларга асосланган давлат таълим стандартларини жорий этиш ечимини кутаётган муаммолардан бири ҳисобланади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-257-263

Бу жараёнда эса бўлажак офицер-ўқитувчиларни тайёрлашда уларнинг касбий компетентлилигини такомиллаштириш, олий таълим муассасаларида уларнинг касбий ва шахсий камолотини таъминлаш учун зарур педагогик шарт-шароитларни яратиш, бўлажак офицер-ўқитувчилар касбий компетентлилигини шакллантиришнинг педагогик-психологик асосларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг касбий компетентлилигининг такомиллашганлик даражасини аниқловчи мезонларни асослаш ва илмий жиҳатдан тадқиқ этиш каби муҳим вазифалар мавжуд.

Бизнинг назаримизда, чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани Офицер-ўқитувчисининг касбий компетентлилиги - ҳарбий соҳа мутахассислари томонидан бериладиган алоҳида билим, кўникма ва малакаларнинг эгаллашни, касбга тегишли билимлар, кўникмалар ва малакаларнинг ўзлаштирилишини назарда тутган ҳолда ўз соҳаси бўйича касбий билимларини доимо бойитиб боришни, ахборотларни ўрганишни, замон талабларни англай олишни, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни тақозо этади.

Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани бўлажак Офицер-ўқитувчисининг касбий компетентлилигини ривовлантиришнинг асоси сифатида қуйидагиларни қараш мумкин: доимий равишда ўз билимларини изчил бойитиб бориш, ахборот воситаларидан фойдаланиб янги ахборотларни ўзлаштириш, замонавий талабларни чуқур англаш, янги билимларни излаб топиш, педогогиканинг энг янги ўқитиш усулларини ўрганиб бориш, педогогда бўлиши керак бўлган ижобий сифатларга эга бўла олиш.

Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани бўлажак Офицер-ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантириш яъни касбий (шу жумладан, педагогик) компетентликка эга бўлишда ўз устида ишлаш ва ўз-ўзини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўз-ўзини ривожлантириш вазифалари ўзини ўзи таҳлил қилиш ва ўзини ўзи баҳолаш орқали аниқланади.

Ўз устида ишлаш деганда – шахс ёки мутахассис томонидан ўзини ижтимоий ҳамда касбий жиҳатдан ривожлантириш, камолотга эришиш йўлида мақсадли, изчил, тизимли ҳаракатларнинг ташкил этишидир.

Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани бўлажак ўқитувчисининг ўз устида ишлаши қуйидагиларда кўринади:

- касбий билим, куникма ва малакасини такомиллаштириб бориш;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-257-263

- фаолиятга танқидий ва ижодий ёндошиш;
- касбий ва ижодий ҳамкорликка эришиш;
- ишчанлик қобилиятини ривожлантириш;
- салбий одатларни бартараф этиб бориш;
- ижобий сифатларни ўзлаштириш

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани бўлажак ўқитувчисининг ўз устида ишлаши бир неча босқичда кечади.

1-босқич. Ўз фаолиятини таҳлил қилиш асосида ютуқ ва камчиликларини аниқлаш. Бунда ўқитувчи фаолияти давомида эгаллаган билимлари, куникмаси ва малакасини таҳлил қилиш натижасида яъни ўзи билан бирга фаолият олиб бораётган бошқа хамкасбларининг фаолияти билан солиштириб, ўзи тўғрисида ўқиувчи-фицерларнинг фикрини ўрганиб ўзи эришган ютуқлари ва камчиликларини аниқлайди. Керак бўлса камчиликларини кетма-кетликда тизимга солиб уларни қайта-қайта ўрганиб чиқади.

2-босқич - Ютуқларини бойитиш ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ қарорга келиш. Ўқитувчи эришган ютуқларини бойитиш ва йўл қўйган камчиликларини бартарф этиш бўйича ўз режасини ишлаб чиқиши керак бўлади ва шу режа асосида фаолиятини ташкил этади.

3-босқич - Ушбу қарор бўйича амалий ҳаракатларни самарали ташкил этиш йўлларини излаш. Камчиликлари бўйича аниқ бир тухтамга яъни қарорга келингандан сўнг шу қарори бўйича амалий ҳаракатларини, яъни билимларини ошириб бориш, ўрганиш, ўзини устида ишлаш, жисмоний имкониятларини оширишни бошлаши керак.

4-босқич - Хато ва камчиликларни такрорламасликка интилиш. Булажак ўқитувчи ўқиши, ўрганини давомида шунингдек, ўқитувчилик фаолиятини бошлагандан сўнг ҳам йўл қўйилган хато ва камчиликларни қайта такрорламасликка ҳаракат қилиши, эгалаган билимларини доимо такрорлаб туриши, янги билимларни эгаллаб бориши талаб этилади.

5-босқич - Қабул қилинган қарорнинг изчил бажарилишини доимий назорат қилиб бориш. Бу босқичда бўлажак ўқитувчи ўз фаолияти давомида ўзини-ўзи доим назорат қилиб бориши керак.

Бўлажак ўқитувчининг қуйидаги амалий ҳаракатлари мутахассис сифатида унинг ўз устида ишлашини ифодалайди:

- аниқ мақсад, интилиш асосида педагогик жараённи такомиллаштириш;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-257-263

- педагогик жараён самарадорлигини, ўзининг ишчанлик фаоллигини ошириш;
- изчил равишда янгиланиб бораётган педагогик ва ҳарбий билимларни ўзлаштириш;
- илғор технология, метод ҳамда воситалардан хабардор бўлиш;
- фаолиятига фан-техниканинг сўнгги янгиликларини самарали тадбиқ этиш;
- ҳарбий-касбий кўникма ва малакаларини такомиллаштириш;
- салбий педагогик низоларнинг олдини олиш, бартараф этиш чораларини излаш.

Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани бўлажак ўқитувчисининг касбий компетентликка эга бўлишида ўзини ўзи таҳлил қила олиши ҳам аҳамиятли саналади.

Ўзини ўзи таҳлил қилиш – педагог томонидан касбий фаолиятда ташкил этаётган ўз амалий ҳаракатлари моҳиятининг ўрганилишиир.

Ўзини ўзи таҳлил қилиш орқали педагог ўзини ўзи объектив баҳолаш имкониятига эга бўлади. Зеро, педагогларнинг касбий компетентлик сифатларига эга бўлишида уларнинг ўз-ўзини баҳолаш малакаларига эгалиги ҳам муҳимдир

Ўзини ўзи баҳолаш – шахснинг ўз-ўзини таҳлил қилиши орқали ўзига баҳо бериши

Моҳиятига кўра ўзини ўзи баҳолаш субъект учун шахсий имкониятларини ҳисоб-китоб қилиш, ўзига объектив баҳо бериш, ўзидан қониқишни таъминлайди. Қолаверса, ўз-ўзини баҳолаш шахснинг қобилиятини ўз кучи билан юзага чиқишига ёрдамлашиши зарур. Ўз-ўзини баҳолаш қийин, лекин шахсни бунга бевосита тайёрлаш мумкин. Ҳар қандай мутахассисда бўлгани каби педагогнинг ҳам ўзини ўзи самарали баҳолай олишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади.

Бир қатор омиллар мутахассис ёки шахснинг ўзини ўзи самарали баҳолашига сезиларли таъсир кўрсатади:

Ўзини тушуниш (ўзи ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлиш);

Шахс сифатида ўз қадр-қимматини англаш (ўзи тўғри-сидаги ижобий маълумотларни тўплаш);

Ўзини-ўзи назорат қилиш (ўзи тўғрисидаги шахсий фикрнинг атрофдагилар томонидан унга берилаётган баҳога мос келиши).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-257-263

Ўз-ўзини баҳолаш даражаси шахснинг ўз-ўзидан қониқиши ёки қониқмаслигини белгилаб беради. Бунда ўз-ўзини баҳолаш кўрсаткичлари шахс имкониятларига мос келиши лозим. Ўзини ўзи ошириб ёки пасайтириб кўрсатиш ўз-ўзини баҳолаш кўрсаткичларининг нотўғри бўлишига олиб келади.

Ўз-ўзини ривожлантириш – шахснинг ўзида касбий тажриба, малака ва маҳоратни такомиллаштириш йўлида аниқ мақсад ва пухта ўйланган вазифалар асосида мустақил равишда амалий ҳаракатларни ташкил этишидир.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган бўлажак Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштириш мавзуси ниҳоятда долзарблиги учун, бу мавзуга яъна қайтамиз ва кейинги мақолаларимизда касбий компетентликни кенгроқ тушинтиришга ҳаракат қиламиз. Мавзунинг долзарблиги шундаки Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчисининг олдида Ватанимиз ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашдек катта вазифа турибди. Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган бўлажак Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчиси ўз касбининг устаси яъни Ўзббекистон Республикаси Қуролли Кучларнинг офицери сифатида билим олиши ва касбий компетентлигини такомиллаштириб бориши керак.

REFERENCES

1. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз / Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
2. Каримова В. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт. – Т.: Университет, 2000.
3. Толипов У., Усмонбоева. М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. – Т.: Фан, 2005.
4. Муслимов Н.А. Ҳарбий таълим ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий- методик асослари. // Педагогика фанлари докторлик диссертацияси. – Т., 2007.
5. Жўраев Ш.М. (2020). Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг устувор вазифалари ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, VOLUME 1 | ISSUE 3), 1081-1086.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-257-263

6. Ачилов Т. С., Жўраев Ш.М. (2020). ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, VOLUME 1 | ISSUE 3), 1072-1079.
7. Зокиров У. М., Жўраев Ш.М. (2020). ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, VOLUME 1 | ISSUE 3), 1115-1121.
8. Sherali Jo’rayev (2021). Bugungi kun chaqiruvga qadar boshlang’ich tayyorgarlik fani o’qituvchisiga qo’yiladigan talablar. Xalq ta’limi, 101-104.